

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш вазирлиги  
ва Давлат статистика қўмитасининг  
2021 йил “31” мартдаги 6-ҚҚ-сон  
қўшма қарорига  
ИЛОВА

**Инновация соҳасида статистик кўрсаткичларни  
шакллантириш бўйича услубий низом**

Инновация соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом(кейинги ўринларда-Услубий низом) инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш, шунингдек, ташкилотлар томонидан тадбиқ этилган инновацияларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш мақсадида, ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсири кузатувларини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш орқали инновация соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш механизмларини белгилайди.

Кузатув ўтказиш услубияти инновацияларга оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича тавсияларга (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ), Европа Ҳамжамиятининг Статистика Бюросининг учинчи таҳрири (Евростат), “Осло қўлланмаси-2018”) асосланган.

Услубий низом статистик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий босқичларига мос келувчи кетма-кетликда ифода этилган бўлиб, республикада, хусусан, ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизациялашни чуқурлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари ва натижалари тўғрисида илмий асосланган ҳулосалар чиқаришга имкон берувчи ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда статистик маълумотларнинг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга ошириш доирасида жорий этилган.

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади.

**Инновация** деганда илмий-техникавий фаолият натижаси, реализация қилиш жараёнида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товарлар, хизматлар) ёки жараён, шунингдек ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий қарорлари, маъмурий, тижорат ёки бошқа характердаги, технологияларнинг, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг бозорларда янгиланишига ёрдам берилиши тушунилади.

Янги жорий қилинган маҳсулотлар ва хизматлар, ўзининг характеристикаси ёки фойдаланиш йўналиши бўйича ташкилот томонидан олдин ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлардан сезиларли фарқ қилади. Технологиялар, маркетинг йўллари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари олдин ташкилот томонидан фойдаланилмаган бўлса уни янги жорий қилинган деб атаса бўлади. Технологиялар, маркетинг йўллари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари жорий қилинганидан сўнг уч йилгача инновация деб ҳисобланади.

Инновация, таърифи бўйича, ташкилот учун янги, ички бозор учун янги ёки бутун дунё учун янги маълум миқдордаги янгиликни ўз ичига олиши керак. Янгиликнинг минимал талаб белгиси ушбу корхона тажрибасида, маҳсулот, жараён, маркетинг ҳамда ташкилий усуллар янги бўлиши (ёки қисман такомиллаштирилган), яъни бошқа корхоналарда аниқ бу инновацияни ишлатиш мумкинлиги, лекин ушбу корхона учун у янги бўлиши шарти билан, шунга ўхшаш нарса корхона учун янги инновация сифатида кўриб чиқилади.

Инновацияларнинг минимал белгиси бу маҳсулот, жараён ёки маркетинг ишлари ташкилот амалиёти учун янги (ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган) бўлиши керак. Бунга корхоналар биринчи бўлиб яратган маҳсулотлар, жараёнлар ва маркетинг ишлари ёки бошқа ташкилотлардан олинган маҳсулотлар, жараёнлар ва маркетинг ишлари киради.

**Инновацион фаол корхона** тоифасига, кузатув ўтказилган даврда, инновацияни яратиш билан боғлиқ бирон бир фаолият билан шуғулланган ва ушбу фаолият инновация яратилиши ёки яратилмаслигидан қатъий назар инновацион фаол корхона деб тан олинади.

**Инновацион фаолият** – ғоялар трансформацияси билан боғлиқ янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни бозор учун жорий этиш билан боғлиқ, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён бўлиб, илмий, техник, ташкилий, молиявий ва тижорат фаолиятини қамраб олган ижтимоий хизматларга янгича ёндашув орқали инновацияларга олиб келувчи фаолият тури.

**Технологик инновация** - бу бозорга чиқарилган, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки хизмат кўринишида, амалда фойдаланиладиган хизматларнинг ишлаб чиқаришнинг (узатиш) янги ёки такомиллаштирилган жараёни ёки усули кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир. Технологик инновациялар бу маҳсулот, жараёнлар, хизматлар ва ташкилот биринчи марта ишлаб чиқадиган усуллар, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган усуллар бўлиши мумкин.

**Маҳсулот инновацияси** - корхонада ишлаб чиқаришга жорий қилинган, уларнинг хусусиятлари ёки фойдаланиш усуллари жиҳатидан янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот ёки хизматни жорий этишдир.

Маҳсулотлар соҳасидаги инновациялар техник хусусиятлари, таркибий қисмлар ва материаллар, ўрнатилган дастурий таъминот, фойдаланувчиларга хайрихоҳлик даражасида ёки маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини яхшилайдиган бошқа функционал хусусиятларда сезиларли яхшиланишларни ўз ичига олади.

Хизматларни етказиб беришда маҳсулот инновацияси, уларни етказиб бериш (масалан самарадорлик ва тезкорлик), мавжуд хизматларни янги хусусиятлар билан тўлдириш ёки мутлақо янги хизматларни жорий қилишни ўз ичига олади.

**Жараён инновацияси** - ўз ичига ишлаб чиқаришда ривожланишни ва янги технологик ёки сезиларли даражадаги такомиллашган услубий технологияларни киритилиши, моддий-техник таъминот ва маҳсулотларни етказиб бериш жараёни шу жумладан, барча технологик жараёнларда дастурий таъминотни қамраб олади. Ушбу турдаги инновациялар янги ишлаб чиқариш ускуналардан фойдаланишга ёки дастурий таъминот, янги технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнида ёки уларнинг йиғиндисида сезиларли ўзгаришларга асосланган бўлиши мумкин. Бундай инновациялар одатда ишлаб чиқариш таннархини ёки маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга, товарлар (хизматлар) сифатини

оширишга ва мавжуд маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки ташиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Улар шунингдек, анъанавий ишлаб чиқариш усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилиши ёки етказиб берилмайдиган, технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

**Маркетинг инновацияси** - маркетинг (инглизча сўз бўлиб, marketing – бозорда сотиш, савдо маъносини англатади) – товарлар, хизматлар ва механизмларни яратиш ягона комплекс жараён сифатида амалга оширишни бошқариш. Маркетингнинг мақсади ишлаб чиқаришнинг жамият эҳтиёжи учун мослашиш, бозорни ўрганиш бўйича чоратадбирларни бозорнинг талабидан келиб чиқиб ташкилий техник тизимга ишлов бериш йўли орқали, етказиб беришни фаоллаштириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга шароит яратишдир. Маркетингнинг тарқалиш тушунчаси корхонанинг тўртта муваффақият омиллар тўпламини кўриб чиқади: маҳсулот, унинг нархи, тарқалиши ва тарғиботи.

Шундай қилиб, маркетинг инновациялари маҳсулотларни лойиҳалаш ва қадоклашдаги жиддий ўзгаришларни, янги нархлар стратегиясини шакллантиришни, маҳсулотларни жойлаштириш ва сотишнинг янги усулларини қўллашни, маҳсулотларни бозорларда илгари суришнинг янги усулларини қўллашни ўз ичига олади. Улар маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, янги бозорларни очишга, сотишни кўпайтириш мақсадида товарлар ва хизматлар истеъмолчиларининг таркибини кенгайтиришга қаратилган.

**Ташкилий инновациялар** - бу бизнес юритиш, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этишда янги усулларни жорий этишга қаратилгандир. Ушбу инновациялар маъмурий харажатлар ва таъминот нархини пасайтириш орқали корхонанинг самарадорлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳисса қўшадиган иш жойларини (иш вақти) ташкил этиш билан ходимларнинг қониқиш даражасини оширишга қаратилган. Корхона ушбу ташкилий инновацияни татбиқ қилган биринчи корхона бўлиши шарт эмас. Шунингдек, улар қайси корхонада - инновацияни қўллаган корхонада ёки бошқа корхонада ишлаб чиқилганлиги муҳим эмас.

Ташкилий ва жараён инновацияларнинг фарқи шундаки, аввалига кадрлар ва ишларни ташкил этишга таъсир кўрсатса, жараён

инновациялари янги ускуналар, дастурий таъминот, жараёнлар ва технологияларни жорий этиш билан боғлиқ.

**Инновацияларга харажатлар** - корхона миқёсида амалга ошириладиган ҳар хил инновацион тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ пул кўринишидаги амалдаги харажатлар. Инновацияларга жорий ва капитал харажатлар, шунингдек, ташкилотнинг ўз кучи билан амалга оширган харажатлар ва бошқа ташкилотларнинг ишлари ҳамда хизматлари учун тўланадиган харажатларни ўз ичига олади.

**Инновацияларга жорий харажатлар** - инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган ишчиларнинг меҳнат харажатлари, ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар, шунингдек, йил давомида амалга ошириладиган инновацион фаолиятни таъминлаш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар, ускуналар ва бошқа харажатлардир.

**Инновацияларга капитал харажатлар** - узоқ муддатли инвестициялар бўлиб, инновацион фаолиятда фойдаланиш учун зарур бўлган машиналар, ускуналар, бошқа асосий воситаларни сотиб олишга, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун иншоотларни, ерларни сотиб олишга ва табиатдан фойдаланишга сарфланадиган харажатлардан иборат.

**Инновация харажатларининг молиялаштириш манбаси:**

ўз маблағлари;

хорижий инвестициялар;

тижорат банклари кредитлари;

бюджет маблағлари;

мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари;

бошқа маблағлар.

**Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар** — булар, ҳам ташкилотнинг умумий инновацион фаолиятсизлиги, ҳам аниқ инновацион лойиҳаларни тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугаллаш каби омиллардир.

Бунга, иқтисодий омиллар (молиявий маблағларнинг етишмаслиги, маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги, янгиликларнинг юқори таннархга эгаллиги, иқтисодий таваккалнинг юқорилиги ва ш.ў.), фирманинг ички омиллари (юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги, технологик маълумотларнинг етарли эмаслиги, бозор ҳақидаги маълумотларнинг

етарли эмаслиги ва ш.ў.) ва бошқа омиллар (инновацияларга эҳтиёжнинг йўқлиги, инфратузилма камчиликлари ва ш.ў.) киритилган.

## **II. Патент статистикаси**

2. Патент статистикаси бўйича миллий даражадаги ахборотнинг асосий манбаси - интеллектуал мулк агентлигидан олинган маъмурий маълумот ҳисобланади. Ушбу маълумот жисмоний шахсларнинг патент фаолиятини янада тўлиқ баҳолаш ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун зарурдир.

Патент статистикасига кўра, қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланади:

Саноат мулки объектлари бўйича олинган хавфсизлик ҳужжатлари сони;

ихтиро учун патент;

фойдали модел учун патент;

саноат намунаси учун патент;

савдо белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш;

селекция ютуқлари учун патент.

## **III. Маълумотлар манбаи ва унинг статистик ҳисоби**

3. Инновация соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантиришда маълумотлар манбаи бўлиб давлат статистика кузатувлари ҳисобланади ва ушбу кузатувларни ташкиллаштириш ва ўтказиш йилда бир марта, республика ва ҳудудлар даражасида амалга оширилади.

4. **1-innovatsiya shakli** “Инновация фаолияти тўғрисида”, ушбу статистик ҳисоботни корхона миқёсида инновацион ишларни олиб борган йирик тижорат ташкилотлари топширади.

5. **1-innovatsiya (joriy qilingan)** “Жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсирини кузатиш саволномаси”, ушбу статистик саволномани охириги 3 йил давомида инновацион ишларни амалга оширган ташкилотлар топширади.

6. **1-innovatsiya (innovatsion faollik)** “Инновацион фаолликни кузатиш саволномаси”, ушбу статистик саволномани 1-innovatsiya shakli йиллик ҳисоботини топширган ташкилотлардан 20 фоизли танланмага киритилган ташкилотлар топширади.

7. Инновацион фаол ташкилотлар “Жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсирини кузатиш саволномаси”дан фойдаланган ҳолда кузатилади. Бунда, кузатув саволномаси йиллик давлат статистика

ҳисоботида тадбиқ этилган сўнгги 3 йил давомида инновациялар тўғрисида маълумотлар кўрсатган ташкилотлардан шакллантирилади.

Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, “Инновацион фаолликни кузатиш саволномаси”дан фойдаланилади, бунда кузатиладиган ташкилотлар мажмуи танланма асосида шакллантирилади.

8. Инновацион ишларни амалга оширган корхоналар рўйхати йилнинг 1 январь ҳолатига бўлган КТЯДР маълумотлари асосида шакллантирилади.

9. Осло Қўлланмаси тавсияларига кўра, инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларнинг танланма кузатувлари объекти бўлиб, кончилик, қайта ишлаш саноати ва хизмат соҳасига тааллуқли (фаолият турлари рўйхати 1-иловада келтирилган) бўлган ташкилотлар ҳисобланади.

10. Танланманинг асосини (мақсадли танланма) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган, Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри ҳисобида турган, асосий фаолият тури 1-иловада келтирилганларга мос келувчи ташкилотлар ташкил этади.

Мақсадли танланма ҳудудлар (барча вилоятлар, Тошкент ш. ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўйича қатламларга ажратилади, танланма миқдори ҳар бир ҳудуд бўйича мос қатламнинг 20 фоизини ташкил этади.

11. Республика бўйича танланмага киритилган ташкилотларнинг умумий сони мақсадли гуруҳ мажмуининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Танланмани шакллантириш, ҳар бир қатлам бўйича республика даражасида амалга оширилади. Бунда, махсус дастурий таъминотдан фойдаланиб, оддий такрорланмайдиган ихтиёрий танлов усули қўлланилади.

Ушбу Услубий низомнинг 9-10 бандларида ўрнатилган мезонларга мос келувчи (бандлар сони бўйича уларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар) фаолият юритаётган ташкилотлар танланади.

12. Танлов қуйидаги асосий реквизитларни ўз ичига олади:

- а) КТУТ хос рақами, юридик шахс номи;
- б) ИФУТ-2 бўйича асосий фаолият тури хос рақами;
- в) МҲОБТ бўйича ҳудудий мансублиги хос рақами;
- г) субъектнинг тадбиркорликка мансуб хос рақами.

13. Танланма мажмуини тузишнинг якуний натижаси бўлиб, ушбу Услубий низомнинг 12-бандида белгиланган реквизитларни ўз ичига олган

ва электрон маълумотлар базаси кўринишида, ҳар бир ҳудуд бўйича шакллантирилган ташкилотлар рўйхати ҳисобланади.

14. Ҳар йили ўтказиладиган кузатувлар натижалари бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

- ташкилотларнинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар тўғрисида маълумотлар, 2-иловага мувофиқ, барча олинган жавобларга нисбатан фоиз ҳисобида;

жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсирини кузатиш тўғрисидаги маълумотлар, 3-иловага мувофиқ, тадбиқ этилган инновациялар натижаларини баҳоловчи хос рақамларнинг барча олинган жавобларга нисбатан фоизи ҳисобида.

#### **IV. Инновацияга оид статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари**

14. Инновацияга оид асосий кўрсаткичлар қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади;

**Инновация соҳасида фаоллик даражаси** кўрсаткичи бир йилда бир марта республика бўйича ва ҳудудлар кесимида, шунингдек тармоқлар бўйича корхоналарнинг инновацион фаолиятини ўрганиш асосида шакллантирилади. Ушбу кўрсаткич инновацион фаол корхоналар сонининг, яъни ҳар қандай инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар сонининг амалдаги корхоналарнинг умумий сонига нисбати % да белгиланади

$$\text{Инновация соҳасида фаоллик даражаси} = \frac{\text{Инновацияга эга корхоналар сони}}{\text{Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони}} \times 100;$$

---

**Инновацияларга ажратилган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати**

$$\begin{array}{l} \text{Инновацияларга} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатларнинг ялпи} \\ \text{ички маҳсулотга} \\ \text{нисбати} \end{array} = \frac{\text{Инновацияларга ажратилган харажатлар}}{\text{Ялпи ички маҳсулот ҳажми}} \times 100;$$

---

**Инновацион ишлар бажарган ташкилотларда саноат ташкилотларининг улуши**

$$\begin{array}{l} \text{Инновацион ишларни} \\ \text{бажарган} \\ \text{ташкилотларда саноат} \\ \text{ташкилотларининг} \\ \text{улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Саноат соҳасида инновацион} \\ \text{ишларни бажарган ташкилотлар} \\ \text{сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Жами инновацион ишларни} \\ \text{бажарган ташкилотлар сони} \end{array}} \times 100;$$

---

**Ташкилотлар томонидан бажарилган инновацион ишлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати**

$$\begin{array}{l} \text{Ташкилотлар} \\ \text{томонидан бажарилган} \\ \text{инновацион ишлар} \\ \text{ҳажмининг ялпи ички} \\ \text{маҳсулотга нисбати} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Ташкилотлар томонидан} \\ \text{бажарилган инновацион ишлар} \\ \text{ҳажми} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Ялпи ички маҳсулот ҳажми} \end{array}} \times 100;$$

---

**Ташкилотлар бўйича инновацияларга ажратилган харажатларда таълим билан шуғулланувчи ташкилотларнинг улуши**

$$\begin{array}{l} \text{Ташкилотлар бўйича} \\ \text{инновацияларга} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатларда таълим} \\ \text{билан шуғулланувчи} \\ \text{ташкилотларнинг} \\ \text{улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Жами инновацияларга} \\ \text{ажратилган харажатлар} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Таълим билан шуғулланувчи} \\ \text{ташкилотларнинг} \\ \text{инновацияларга ажратган} \\ \text{харажатлари} \end{array}} \times 100;$$

---

**Инновацион ишларга ажратилган харажатлардан давлат бюджетининг улуши**

$$\begin{array}{l} \text{Инновацион ишларга} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатлардан давлат} \\ \text{бюджетининг улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Бюджетдан инновацияларга} \\ \text{ажратилган харажатлар} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Инновацияга ажратилган} \\ \text{харажатлар} \end{array}} \times 100;$$

---

## **Инновацион ишларга ажратилган харажатлардан чет эл инвестициялари улуши**

$$\begin{array}{l} \text{Инновацион ишларга} \\ \text{ажратилган} \\ \text{харажатлардан чет эл} \\ \text{инвестициялари улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Инновацияларга ажратилган} \\ \text{чет эл инвестициялари} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Бажарилган жами инновацион} \\ \text{харажатлар} \end{array}} \times 100;$$

---

## **Жами жорий қилинган инновациялардан маҳсулотга оид инновацияларнинг улуши**

$$\begin{array}{l} \text{Жами жорий қилинган} \\ \text{инновациялардан} \\ \text{маҳсулотга оид} \\ \text{инновацияларнинг} \\ \text{улуши} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Жорий қилинган маҳсулотга} \\ \text{оид инновациялар} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Жами жорий қилинган} \\ \text{инновациялар} \end{array}} \times 100.$$

---

## **Маълумот учун фойдаланилган ҳужжатлар рўйхати**

1. Инновацион маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича “Осло-2018 қўлланмаси”, ИХРТ ва Евростат 2005 тавсиялари.
2. Корхоналарнинг статистик сўровларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича кўрсатмалар, Евростат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи, “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган 630-сон қарори.

Инновация соҳасида статистик  
кўрсаткичларни шакллантириш бўйича  
услугий низомга  
1-илова

**Осло қўлланмаси тавсияларига мувофиқ инновацион  
кузатувлар ўтказиш учун таклиф этиладиган фаолият турлари  
таснифи**

| Фаолият турлари                                                                               | ИФУТ-2<br>бўйича хос<br>рақами |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|
| Тоғ-кон саноати                                                                               | 05-09                          |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар                                                         | 10-11                          |
| Тамаки маҳсулотлари                                                                           | 12                             |
| Тўқимачилик маҳсулотлари                                                                      | 13                             |
| Кийим-кечак ва мўйна                                                                          | 14                             |
| Тери маҳсулотлари ва оёқ кийим                                                                | 15                             |
| Ёғоч ва пўкак маҳсулотлари (мебелдан ташқари)                                                 | 16                             |
| Целлюлоза, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари                                                        | 17                             |
| Нашриёт иши, матбаа ва ёзувларни қайта тиклаш                                                 | 18                             |
| Тошқўмир, нефтни ҳайдаш йўли билан олинадиган<br>маҳсулотлар ва ядровий ёқилғилар             | 19                             |
| Кимёвий моддалар ва маҳсулотлар                                                               | 20                             |
| Фармацевтика препаратлари                                                                     | 21                             |
| Резина ва пластмасса маҳсулотлари                                                             | 22                             |
| Нометалл минерал маҳсулотлар                                                                  | 23                             |
| Металлургия                                                                                   | 24                             |
| Металл маҳсулотлар                                                                            | 25                             |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар                                                   | 26                             |
| Электр ускуналари                                                                             | 27                             |
| Турли ҳилдаги машина ва ускуналар                                                             | 28                             |
| Автотранспорт воситалари                                                                      | 29                             |
| Бошқа транспорт ускуналари                                                                    | 30                             |
| Мебель                                                                                        | 31                             |
| Бошқа тайёр маҳсулотлар                                                                       | 32                             |
| Машина ва ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш                                                    | 33                             |
| Электроэнергия, газ ва сув таъминоти                                                          | 35-36                          |
| Қурилиш                                                                                       | 41-43                          |
| Улгуржи ва чакана савдо, автомобиллар ва мотоциклларга<br>хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш | 45-47                          |
| Ер усти ва қувур транспорти                                                                   | 49                             |

| Фаолият турлари                                              | ИФУТ-2<br>бўйича хос<br>рақами    |
|--------------------------------------------------------------|-----------------------------------|
| Сув транспорти                                               | 50                                |
| Ҳаво транспорти                                              | 51                                |
| Транспорт соҳасидаги ёрдамчи фаолият, транспорт агентликлари | 52                                |
| Почта                                                        | 53                                |
| Меҳмонхоналар                                                | 55                                |
| Ресторанлар                                                  | 56                                |
| Телекоммуникациялар                                          | 58-63                             |
| Молия ва суғурта                                             | 64-66                             |
| Кўчмас мулкка боғлиқ операциялар, ижара                      | 68                                |
| Тадқиқотлар ва ишланмалар                                    | 72                                |
| Архитектура, инженерлик ва бошқа техник фаолият              | 71                                |
| Тижорат фаолиятининг бошқа турлари                           | 69, 70, 73, 74,<br>77, 78, 79, 80 |



Инновация соҳасида статистик  
кўрсаткичларни шакллантириш бўйича  
услубий низомга  
2-илова

**Ташкилотнинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилаётган омиллар тўғрисида маълумотлар**  
(жавоб берган респондентлар сонига нисбатан фоизда)

| Кесими* | Иқтисодий омиллар                                  |                                                                      |                                        |                                                    | Фирманинг ички омиллари                            |                                                                                |                                                                                  | Бошқа омиллар                                                                                                                |                                                                                                        |
|---------|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|         | молиявий<br>маблағ-<br>ларнинг<br>етиш-<br>маслиги | Янги<br>маҳсулот,<br>ишлар,<br>хизмат-<br>ларга<br>талаб<br>пастлиги | Янгилик-<br>ларнинг<br>қиммат-<br>лиги | Юқори<br>иқтисо-<br>дий<br>тавак-<br>калчи-<br>лик | Малака-<br>ли<br>ходим-<br>лар<br>етиш-<br>маслиги | Янги<br>техноло-<br>гиялар<br>тўғрисида<br>ахборот-<br>лар<br>етишмас-<br>лиги | Сотиш<br>бозор-<br>лари<br>тўғриси-<br>да<br>ахборот-<br>лар<br>етишмас-<br>лиги | Инновацион<br>инфратузилма<br>(воситачилик,<br>ахборотлар,<br>юридик, банк,<br>бошқа<br>хизматлар)<br>ривожлан-<br>маганлиги | Аввал<br>амалга<br>оширил-<br>ганлиги<br>сабабли<br>янги<br>инновация-<br>ларга<br>зарурият<br>йўқлиги |
|         |                                                    |                                                                      |                                        |                                                    |                                                    |                                                                                |                                                                                  |                                                                                                                              |                                                                                                        |
|         |                                                    |                                                                      |                                        |                                                    |                                                    |                                                                                |                                                                                  |                                                                                                                              |                                                                                                        |
|         |                                                    |                                                                      |                                        |                                                    |                                                    |                                                                                |                                                                                  |                                                                                                                              |                                                                                                        |
|         |                                                    |                                                                      |                                        |                                                    |                                                    |                                                                                |                                                                                  |                                                                                                                              |                                                                                                        |

\* ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.) ва иқтисодий фаолият турлари кесимида

Инновация соҳасида статистик  
кўрсаткичларни шакллантириш бўйича  
услугий низомга  
3-илова

**Жорий қилинган инновациялар натижаларининг таъсирини кузатиш тўғрисида маълумотлар**  
(таъсир этиш натижалари бўйича жавоб берган респондентлар сонига нисбатан фоизда)

|                                                                                 | Таъсир этиш даражаси: |      |       |             |
|---------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|------|-------|-------------|
|                                                                                 | паст                  | ўрта | юқори | мавжуд эмас |
| <b>Маҳсулот инновациялари:</b>                                                  |                       |      |       |             |
| маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турининг кўпайиши                                 |                       |      |       |             |
| сотиш бозорларининг кенгайиши:                                                  |                       |      |       |             |
| Ўзбекистонда                                                                    |                       |      |       |             |
| МДХ давлатларида                                                                |                       |      |       |             |
| бошқа давлатларда                                                               |                       |      |       |             |
| маҳсулотлар, ишлар, хизматлар сифатининг яхшиланиши                             |                       |      |       |             |
| бандликнинг ошиши                                                               |                       |      |       |             |
| <b>Жараён инновациялари:</b>                                                    |                       |      |       |             |
| ишлаб чиқариш мослашувчанлигининг ошиши                                         |                       |      |       |             |
| ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши                                              |                       |      |       |             |
| иш ҳақиға харажатларнинг камайиши                                               |                       |      |       |             |
| моддий ва энергия харажатларининг камайиши                                      |                       |      |       |             |
| <b>Маркетинг инновациялари:</b>                                                 |                       |      |       |             |
| сотиш бозорларининг кенгайиши                                                   |                       |      |       |             |
| <b>Жами инновациялар биргаликда:</b>                                            |                       |      |       |             |
| атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши                                            |                       |      |       |             |
| замонавий техник тартиблар, қоидалар ва стандартларга мувофиқликни таъминланиши |                       |      |       |             |

